

# БУХОРО ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

## ИЖТИМОЙ СОҲА СТАТИСТИКАСИ

### БУХОРО ВИЛОЯТИДА КУТУБХОНА ФАОЛИЯТИ



Кутубхоналар халқнинг миллий камолоти учун хизмат қилаётган миллий маданиятнинг бир қисмидир. Ҳозирги кунда Бухоро вилояти бўйича ахборот ресурс марказида жами 771 та ходим янгича замонавий норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият юритмокдалар улардан 130 таси олий маълумотли кадрларни ташкил этади.

Бухоро вилояти бўйича ахборот ресурс маркази фонди жами 4777952 нусха бўлиб, улардан 3111362 таси ўзбек тилида, 1512334 таси рус тилида ва 154256 таси бошқа тиллардаги китоблардан иборат. Китоб фонди ўқувчилар ва аҳолининг китобхонлик сўровларига кўра ҳар йили бюджет маблағлари ҳисобидан янги адабиётлар билан тўлдирилмокда.

**2018 йил 1 январь ҳолатида Бухоро вилоятида кутубхона  
фаолиятининг асосий кўрсаткичлари**

	<b>АРМлар сони</b>	<b>Китоб ва журналлар сони</b>	<b>Фойдаланувчилар сони</b>
Шаҳар:			
Бухоро	38	2048180	119054
Когон	5	124515	12450
Туманлар:			
Олот	8	228825	20423
Бухоро	11	198848	19948
Вобкент	12	295424	22626
Ғиждувон	22	444155	54023
Когон	5	88759	8020
Коракўл	15	303149	26640
Қоровулбозор	4	36474	2932
Пешкў	10	192407	21502
Ромитан	12	253898	23694
Жондор	11	320336	22923
Шофиркон	13	242982	31599
Жами:	166	4777952	385834



Бухоро вилоят ахборот ресурс марказида 8та бўлим фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда


1. Мактаб ёшигача ва бошланғич синф фойдаланувчилари
2. Катта ёшдаги фойдаланувчилар
3. Янги ахборот технологиялари ва интернет бўлими
4. Китобларни сақлаш ва электрон каталогларни чоп этиш
5. Ахборот библиография ва ўлкашунослик бўлими
6. Комплектлаштириш ва электронлаштириш
7. Каталоглаштириш ва адабиётларга қайта ишлов бериш
8. Илмий услубиёт бўлими



Бухоро вилоятида 166 та ахборот ресурс марказлари мавжуд бўлиб, улардан халқ таълими тизимида 60 та кутубхона, ўрта махсус таълим тизимида 88 та, олий таълим тизимида 4 та, ҳудудлардаги АРМлар 13 та, кўзи ожизлар учун 1 та АРМ мавжуд.

### 2018-йил 1-январ ҳолатида Бухоро вилоятидаги кутубхоналарнинг муассасалардаги улуши (фоизда)

1-расм



Бухоро вилояти статистика бошқармаси  
Ижтимоий соҳа статистикаси бўлими  
Нашр учун масъул: Ф.Хафизова  
Тел: (0371) 230-83-18